

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

525 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2016 йил 25 апрелдаги ЎРҚ–405-сон Қонунининг 6-моддаси)

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2016 йил 25 апрелдаги ЎРҚ–405-сон Қонунининг 6-моддасига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й.

2. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ф.И. Ибрагимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2016 йил 9 ноябрь,
383-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2016 йил 9 ноябрдаги 383-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 июндаги 165-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2011 й., 6-сон, 46-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси тўғрисидаги низомда:

а) 5-банднинг бешинчи хатбошидаги «геология-қидирув ишларининг узоқ муддатли (3 йилдан ортиқ даврга), ўрта муддатли (3 йилгача бўлган даврга) ҳамда ҳар йилги дастурларини» сўзлари «минерал хом ашё базасини ривожлантириш ва такрор ҳосил қилишнинг узоқ муддатли (3 йилдан ортиқ даврга), ўрта муддатли (3 йилгача бўлган даврга) ҳамда ҳар йилги давлат дастурларини» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 6-бандда:

бешинчи хатбошидаги «геология-қидирув ишлари дастурларини» сўзлари «минерал хом ашё базасини ривожлантириш ва такрор ҳосил қилишнинг давлат дастурларини» сўзлари билан алмаштирилсин;

олтинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«минерал хом ашё базасини ривожлантириш ва такрор ҳосил қилишнинг узоқ муддатли ва ўрта муддатли давлат дастурларини амалга ошириш доирасида Давлат геология қўмитаси тизими бўйича минерал хом ашё базасини ривожлантириш ва такрор ҳосил қилишнинг ҳар йилги давлат дастурларини Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги билан келишган ҳолда ишлаб чиқади ва тасдиқлайди»;

еттинчи хатбошидаги «геология-қидирув ишларининг узоқ муддатли, ўрта муддатли ва ҳар йилги дастурларини» сўзлари «минерал хом ашё базасини ривожлантириш ва такрор ҳосил қилишнинг узоқ муддатли, ўрта муддатли ва ҳар йилги давлат дастурларини» сўзлари билан алмаштирилсин;

ўн тўртинчи хатбошидаги «геология-қидирув ишларининг тасдиқланган дастурларига» сўзлари «минерал хом ашё базасини ривожлантириш ва такрор ҳосил қилишнинг тасдиқланган давлат дастурларига» сўзлари билан алмаштирилсин;

ўн олтинчи хатбошидаги «геология-қидирув ишларининг» сўзлари «минерал хом ашё базасини ривожлантириш ва такрор ҳосил қилишнинг» сўзлари билан алмаштирилсин;

йигирманчи хатбошидаги «алоҳида» сўзи чиқариб ташлансин;

в) 12-банднинг тўртинчи хатбошидаги «геология-қидирув ишларининг узоқ муддатли, ўрта муддатли ҳамда ҳар йилги дастурларини» сўзлари «минерал хом ашё базасини ривожлантириш ва такрор ҳосил қилишнинг узоқ муддатли, ўрта муддатли ҳамда ҳар йилги давлат дастурларини» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, «Навоий КМК» давлат корхонаси ва «Олмалиқ КМК» очиқ акциядорлик жамияти томонидан амалга оширилаётган геология-қидирув ишлари дастурларини шакллантириш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2012 йил 30 майдаги 152-сон қарорида:

а) қарорнинг номидаги, муқаддимадаги, 1 ва 3-бандлардаги «геология-қидирув ишлари дастурларига» сўзлари «минерал хом ашё базасини ривожлантириш ва такрор ҳосил қилишнинг давлат дастурларига» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) иловада:

илованинг номидаги ва 1-банддаги «геология-қидирув ишлари дастурларига» сўзлари «минерал хом ашё базасини ривожлантириш ва такрор ҳосил қилишнинг давлат дастурларига» сўзлари билан алмаштирилсин;

2-банддаги «геология-қидирув ишлари дастурларига (кейинги ўринларда «ГҚИ Дастури» деб аталади)» сўзлари «минерал хом ашё базасини ривожлантириш ва такрор ҳосил қилишнинг давлат дастурларига (кейинги ўринларда Дастур деб аталади)» сўзлари билан алмаштирилсин;

3, 4, 7-бандлардаги, III бўлимнинг номидаги, 8-банднинг биринчи хатбошидаги, 9-банднинг биринчи хатбошидаги, IV бўлимнинг номидаги, 10-банддаги, 11-банднинг биринчи хатбошидаги, 16, 17-бандлардаги, V бўлимнинг номидаги, 18 ва 19-бандлардаги, 20-банднинг биринчи хатбошидаги, 21 — 29-бандлардаги, 31, 33, 34-бандлардаги, 35-банднинг биринчи хатбошидаги, 39 ва 40-бандлардаги «ГҚИ» қисқартмаси чиқариб ташлансин;

1-иловада:

белгилашдаги «геология-қидирув ишлари дастурларига» сўзлари «минерал хом ашё базасини ривожлантириш ва такрор ҳосил қилишнинг давлат дастурларига» сўзлари билан алмаштирилсин;

илованинг номидаги, «Тадбирлар» устунининг 2 — 8-бандларидаги «ГҚИ» қисқартмаси чиқариб ташлансин;

2-иловада:

белгилашдаги «геология-қидирув ишлари дастурларига» сўзлари «минерал хом ашё базасини ривожлантириш ва такрор ҳосил қилишнинг давлат дастурларига» сўзлари билан алмаштирилсин;

иловининг номидаги «геология-қидирув ишлари дастурларига» сўзлари «минерал хом ашё базасини ривожлантириш ва такрор ҳосил қилишнинг давлат дастурларига» сўзлари билан алмаштирилсин;

«ГҚИ» Дастурига киритиладиган объектлар бўйича геологик топшириқ» устунининг номидаги «ГҚИ» қисқартмаси чиқариб ташлансин;

3 — 5-иловаларнинг белгилашидаги «геология-қидирув ишлари дастурларига» сўзлари «минерал хом ашё базасини ривожлантириш ва такрор ҳосил қилишнинг давлат дастурларига» сўзлари билан алмаштирилсин;

6-иловада:

белгилашдаги «геология-қидирув ишлари дастурларига» сўзлари «минерал хом ашё базасини ривожлантириш ва такрор ҳосил қилишнинг давлат дастурларига» сўзлари билан алмаштирилсин;

иловининг номидаги, «Тадбирлар» устунининг 1 — 9, 11 — 13-устунларидаги «ГҚИ» қисқартмаси чиқариб ташлансин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 15 августдаги 225-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2013 й., 8-сон, 55-модда) билан тасдиқланган Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар рўйхатининг 107-позициясининг «Содир этилиши ва (ёки) амалга оширилиши учун рухсат берувчи тусдаги ҳужжат зарур бўлган хатти-ҳаракат ва (ёки) муайян фаолият» устунидagi «алоҳида» сўзи чиқариб ташлансин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекнефтьгаз» миллий холдинг компанияси бўйича геология-қидирув ишлари дастурларини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2014 йил 14 августдаги 230-сон қароридa (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2014 й., 8-сон, 86-модда):

а) қарорнинг номидаги, 1-банд ва 2-банднинг биринчи хатбошидаги «геология-қидирув ишлари дастурларига» сўзлари «минерал хом ашё базасини ривожлантириш ва такрор ҳосил қилишнинг давлат дастурларига» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) иловада:

иловининг номидаги ва 1-банддаги «геология-қидирув ишлари дастурларига» сўзлари «минерал хом ашё базасини ривожлантириш ва такрор ҳосил қилишнинг давлат дастурларига» сўзлари билан алмаштирилсин;

2-банддаги «геология-қидирув ишлари дастурларига (кейинги ўринларда «ГҚИ дастури» деб аталади)» сўзлари «минерал хом ашё базасини ривожлантириш ва такрор ҳосил қилишнинг давлат дастурларига (кейинги ўринларда Дастур деб аталади)» сўзлари билан алмаштирилсин;

3 — 6-бандлардаги, 9-банднинг биринчи ва тўртинчи хатбошидаги, III бўлимнинг номидаги, 10-банддаги, 11-банднинг биринчи хатбошидаги, 12-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошидаги, 13-банднинг биринчи хатбошидаги, IV бўлимнинг номидаги, 15-банддаги, 16-банднинг биринчи хатбо-

шидаги, 19-банддаги, V бўлимнинг номидаги, 20 — 22, 24, 28 ва 29-бандлардаги «ГҚИ» қисқартмаси чиқариб ташлансин;

14-бандда:

«ГҚИ дастури» ва ГҚИ дастурлар» сўзлари тегишли равишда «Дастур» ва «дастурлар» сўзлари билан алмаштирилсин;

«амалга оширилган ГҚИ» сўзлари «амалга оширилган геология-қидирув ишлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

23-банддаги «ГҚИга» сўзи «геология-қидирув ишларига» сўзлари билан алмаштирилсин;

1-иловада:

белгилашдаги «геология-қидирув ишлари дастурларига» сўзлари «минерал хом ашё базасини ривожлантириш ва такрор ҳосил қилишнинг давлат дастурларига» сўзлари билан алмаштирилсин;

илованинг номидаги, «Тадбирлар» устунининг III, IV, V ва VI бўлимларидаги «ГҚИ» қисқартмаси чиқариб ташлансин;

2-иловада:

белгилашдаги «геология-қидирув ишлари дастурларига» сўзлари «минерал хом ашё базасини ривожлантириш ва такрор ҳосил қилишнинг давлат дастурларига» сўзлари билан алмаштирилсин;

илованинг номидаги, «Тадбирлар» устунининг I, II, III, IV, V, VI, VII ва VIII бўлимларидаги «ГҚИ» қисқартмаси чиқариб ташлансин;

3, 4 ва 5-иловаларнинг белгилашларидаги «геология-қидирув ишлари дастурларига» сўзлари «минерал хом ашё базасини ривожлантириш ва такрор ҳосил қилишнинг давлат дастурларига» сўзлари билан алмаштирилсин.